

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ – ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ -ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ЭШОНҚУЛОВ ЖАМОЛИДДИН САПОРБОЙ ЎҒЛИ**

**КУЗГИ БУҒДОЙДАН КЕЙИН ПАРВАРИШЛАНАДИГАН МОЙЛИ  
ЭКИНЛАР СОЯ ВА КУНГАБОҚАР НАВЛАРИНИНГ МАҚБУЛ  
СУҒОРИШ ТАРТИБИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**06.01.02 – Мелиорация ва суғорма дехқончилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on agricultural sciences**

**Эшонқулов Жамолиддин Сапорбой ўғли**

Кузги буғдойдан кейин парваришланадиган мойли экинлар соя ва кунгабоқар навларининг мақбул суғориш тартибини ишлаб чиқиш.....3

**Эшонқулов Жамолиддин Сапорбой угли**

Разработка оптимального режима орошения масличных культур сортов сои и подсолнечника, возделываемых после озимой пшеницы.....21

**Eshonkulov Jamoliddin Saporboy ugli**

Developing the optimal irrigation scheduling for oil crops soybean and sunflower varieties after winter wheat harvest.....41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....45

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ – ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ -ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ЭШОНҚУЛОВ ЖАМОЛИДДИН САПОРБОЙ ЎҒЛИ**

**КУЗГИ БУҒДОЙДАН КЕЙИН ПАРВАРИШЛАНАДИГАН МОЙЛИ  
ЭКИНЛАР СОЯ ВА КУНГАБОҚАР НАВЛАРИНИНГ МАҚБУЛ  
СУҒОРИШ ТАРТИБИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**06.01.02 – Мелиорация ва суғорма дехқончилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.3.PhD/Qx443 рақами билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация иши Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида (ПСУЕАИТИ) бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифанинг ([www.psuaiti.uz](http://www.psuaiti.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Шамсиев Акмал Садирдинович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Исаев Сабиржан Хусанбаевич**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Саггаров Масъуджон Ахтамович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди., катта илмий ходим


**Етақчи ташкилот:**


**Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти**


Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 рақамли илмий даражалар берувчи илмий кенгашнинг « 30 » июль 2021 йил соат 9<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника м.ф.й, ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: [pimm@agro.uz](mailto:pimm@agro.uz)

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( 115 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника м.ф.й, ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37.

Диссертация автореферати 2021 йил « 16 » -» 07 да тарқатилди.  
(2021 йил « 16 » 07 даги 1 рақамли реестр баённомаси).

**Ш.Н.Нурматов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

**Ф.М.Хасанова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.н., профессор

**Ж.Х.Ахмедов,**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор.



## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Бугунги кунда дунё аҳолисининг кўпайиши озиқ-овқат жумладан, ўсимлик мойи ва оқсилли маҳсулотларга бўлган талаб кун сайин ортиб бормоқда. Ўсимлик мойи ишлаб чиқариш саноатида соя ва кунгабоқар асосий хомашё манбаи бўлиб ҳисобланади. «Бугунги кунда ер юзидида 122,1 млн. гектар майдонда соя ва 25,6 млн. гектар майдонда кунгабоқар асосий ва такрорий муддатларда етиштирилмоқда. Экин майдони бўйича соя буғдой, шоли ва маккажўхоридан кейин тўртинчи ўринни эгаллайди ва йиллик ялпи дон ҳосили 220,6 млн.тоннани ташкил этади. Бразилия, АҚШ ва Аргентина мамлакатлари соя дони экспорти бўйича етакчи ўринларни эгаллайди. Хитой, Корея ва бошқа Осиё мамлакатлари асосий импорт қилувчи давлатлар ҳисобланади. Кунгабоқар етиштириш бўйича Россия, Хитой, Аргентина, Руминия ва Украина етакчи давлатлар ҳисобланади ва ҳар йили ўртача 40,5-42,0 млн. тонна ҳосил етиштирилади. Халқаро ФАО маълумотларига кўра, дунё бўйича 2020 йилда 162 млн. тонна соя дони етиштирилди ва 2030 йилгача 371 млн. тоннага ошириш кутилмоқда<sup>1</sup>». Бунинг учун такрорий экин сифатида соя ва кунгабоқар етиштириш агротехнологияси, жумладан суғориш тартибларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Дунё мамлакатларида бугунги кунда аграр соҳада экинларни етиштиришда сув танқислиги муаммоси кундан кунга ортиб бормоқда. Мойли экинлар етиштирувчи мамлакатларда ҳосилдорликни ошириш, сифатини яхшилашда суғориш муддатлари ва меъёрларини тўғри белгилаш муҳим ҳисобланади. Мойли экинлардан соя ва кунгабоқар навларини суғориш меъёрлари ва муддатларини тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда тўғри белгилаш, ҳосилнинг сифати ва миқдорига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Ҳозирги пайтда дунё аҳолисини ўсимлик мойига бўлган талабини қондириш, озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлашда такрорий экиладиган соя ва кунгабоқарни суғоришда мақбул суғориш тартиби ва сув истеъмолини аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб бориш долзарб ҳисобланади.

Республикамызда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, аҳолини озиқ-овқат, ўсимлик оқсилли, мойи ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабини тўлиқ қондириш бўйича кенг кўламдаги чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Соя ва кунгабоқар ўсимликларини такрорий муддатда етиштириш, тупроқ унумдорлигини оширишда ушбу ўсимликларнинг суғориш тартибларини ишлаб чиқиш муҳимдир. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...мамлакат озиқ-овқат ҳавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш муҳим» стратегик вазифалардан бири қилиб белгилаб берилган<sup>2</sup>». Шундан келиб чиқиб,

<sup>1</sup><https://www.cmegroup.com/trading/agricultural/grain-and-oilseed/soybean-meal.html>

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони. ПФ-4947-сон 2017 йил 7 феврал.

Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз, Қашқадарё вилоятининг ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқлари шароитида тақрорий экин сифатида мойли экинлардан соя ва кунгабоқар навларининг мақбул суғориш тартибини ишлаб чиқиш ҳамда бу борада дала ва ишлаб чиқариш тажрибалари ўтказиш, илмий асосланган хулосалар бериш аграр соҳадаги муҳим масала ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5303 сон 2018 йил 16 январдаги “Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, ПФ-6024-сон 2020 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари ва ПҚ-2832-сон 2017 йил 14 мартдаги “2017–2021 йилларда республикада соя экини экишни ва соя дони етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мойли экинлардан соя ва кунгабоқарни асосий ва тақрорий муддатларда етиштириш ҳамда уларнинг биологияси ва етиштириш агротехнологияларини ўрганиш бўйича хорижда П.Вавилов, А.Бабич, Г.Посыпанов, Л.Вислобокова, О.Иванова, С.Иванов, Л.Губанов, В.Литвинов., А. Севостьянов, М.Мирошниченко, С.Антонов, Е.Ефимов, A.Nel, H.Loubser, P.Hammes, мамлакатимизда соя бўйича Қ.Мирзажонов, Х.Атабаева, Д.Ёрматова, У.Норқулов, М.Маннопова, Н.Халилов, Б.Халиков, С.Исаев, И.Исраилов, Н.Ўразматов, Ф.Намозов, У.Неъматов, Х.Рахмонов, М.Сатторов, А.Иминов, А.Дуйсенев, А.Панжиев, О.Сотторов, мойли кунгабоқар бўйича эса И.Анарбоев, И.Эрназаров, М.Луков, С.Тоғаева каби олимлар томонидан кенг қамровли илмий ишлар олиб борилган.

Шунингдек, асосий муддатларда мазкур экинлар навларини парваришда минерал ўғитлар билан озиқлантириш меъёрлари, сояни маккажўхори билан қўшиб экиш агротехнологияси, соя ва кунгабоқарни етиштириш агротехнологияси элементларини такомиллаштириш, дон сифатига агротехнологик тадбирларга боғлиқлиги динамикасини аниқлаш бўйича ҳам чуқур изланишлар олиб борилган.

Лекин, бугунги кунда нафақат республикамизда балки бутун дунёда кутилаётган сув тақчиллиги шароитида экин майдонлари ортиб бораётган соя ва кунгабоқар навларини кузги буғдойдан бўшаган майдонларда тақрорий муддатда етиштиришда мақбул суғориш тартибларини ишлаб чиқиш ва ўсимликнинг сув истеъмолини аниқлаш борасида етарли илмий изланишлар олиб борилмаган. Шунинг учун соя ва кунгабоқар ўсимликларини кузги

буғдойдан сўнг такрорий экин сифатида парваришлашнинг мақбул суғориш тартибини ишлаб чиқиш долзарб вазифа ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқотлар мавзу режасининг № МВ-А-ҚХ–2018-204 «Бошоқли дон экинларидан бўшаган майдонларга такрорий экилган дуккакли дон ҳамда мойли (соя, кунгабоқар) экинларини тежамкор суғориш тартиби ва самарали парваришлаш технологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган (2018–2020 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз, Қашқадарё вилоятининг ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқлари шароитида такрорий экилган соя, кунгабоқар навларининг ўсиши, ривожланишини, юқори дон ва уруғ ҳосили олишни таъминловчи мақбул суғориш тартибини ишлаб чиқиш ҳамда сув истеъмолини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

соя ва кунгабоқарни турли суғориш тартибларида етиштиришнинг тупроқда кечадиган агрокимёвий, сув-физик хоссаларининг ўзгаришларини аниқлаш;

турли суғориш тартибларида соя ва кунгабоқар навларининг бир центнер ҳосил етиштириш учун сарфланган сув истеъмолини аниқлаш;

турли суғориш тартибларининг ўсимликнинг илдиз тизими ривожланишига таъсирини аниқлаш;

суғориш тартибининг такрорий экилган соя ва кунгабоқарнинг ҳосил тўплаши ҳамда дон ва уруғ сифат кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш;

такрорий экилган соя ва кунгабоқарни сувтежамкор агротадбирларни қўллаб иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз, Қашқадарё вилоятининг ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқлари, соянинг “Орзу” ва “Арлета”, кунгабоқарнинг эса “Жахонгир” ҳамда “Наврўз” навлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** тупроқларнинг агрокимёвий, агрофизик хоссалари, такрорий экин соя ва кунгабоқарни суғориш меъёрлари, муддатлари, сув истеъмоли, ўсимликнинг ўсиши-ривожланиши ва дон ҳосилдорлиги, тежамкор суғориш тартибларининг мойли экинларни оқсил ҳамда мойдорлигига таъсирини аниқлаш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотларда ўсимликнинг биометрик ўлчовлари, тупроқ ва ўсимлик намуналарининг лаборатория таҳлиллари, фенологик кузатувлар “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари”, соя донидаги оқсил миқдорини “Дон ва унинг таркибидаги оқсил миқдорини аниқлаш услублари” ҳамда соя ва кунгабоқар навлари уруғининг мойлилик даражаси замонавий “ЯМР-1600” маркали лаборатория қурилмаси ёрдамида аниқланган ҳамда тадқиқотлар натижаларидан олинган маълумотлар Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» услуби бўйича математик-статистик таҳлил қилинган.

### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

илк бор суғориладиган типик бўз ва ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқларда такрорий муддатларда етиштирилган соянинг “Арлета” ва кунгабоқарнинг “Наврўз” навларини тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-65-60% тартибда суғорилганда тупроқнинг сув-физикавий ва агрохимёвий хоссаларининг ўзгаришига таъсири аниқланган;

турли суғориш тартибларида типик бўз тупроқларда 1 центнер дон ҳосили олиш учун сарфланган сув миқдори соянинг “Арлета” навида 64,3 м<sup>3</sup>, кунгабоқарнинг “Наврўз” навида эса 113,9 м<sup>3</sup> ва ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқларда сояда 82,7 м<sup>3</sup>, кунгабоқарда 130 м<sup>3</sup> га тенг бўлиши аниқланган;

тупроқ намлигининг ҳисобий қатламини суғориш сувлари билан турли меъёрларда намлантириш фонида соя ва кунгабоқарнинг илдиз тизими 40-45 см чуқурликгача ривожланиши аниқланган;

суғориладиган типик бўз тупроқларда такрорий экилган соянинг “Арлета” нави донида оқсил миқдори 47,0%, мойдорлик кўрсаткичи 23,9% ва ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқларда эса оқсил 41,1%, мойдорлиги 20,4%, кунгабоқарнинг “Наврўз” навида типик бўз тупроқларда 58,4%, ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқларда 54,2% мой олиш мумкинлиги исботланган;

такрорий экилган соя ва кунгабоқарни тежамкор 65-65-60% суғориш тартибда парваришланганда юқори иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи аниқланган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:**

Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида такрорий экин сифатида соянинг “Арлета” ва кунгабоқарнинг “Наврўз” навларини экиш, уларни мавсум давомида суғоришлардан олдинги тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 65-65-60 % суғориш олди тупроқ намлиги тупроқнинг ҳисобий қатлами 0-50 смда 4 марта суғориш (уруғ суви билан), бунда хар галги суғориш меъёри 600-650 м<sup>3</sup>/га, мавсумий суғориш меъёри 2435 м<sup>3</sup>/га дан ошмаслиги, Қашқадарё вилоятининг ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқлари шароитида тупроқнинг ҳисобий қатлами 0-70 смда, ЧДНС га нисбатан 65-65-60 % суғориш олди тупроқ намлиги бўйича 3 марта бунда, хар галги суғориш меъёри 750-800 м<sup>3</sup>/га, мавсумий суғориш меъёри 2251 м<sup>3</sup>/га дан ошмаслиги аниқланган;

Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида илмий асосланган суғориш тартиблари жорий қилиниб, соядан 26,2 ц/га дон, кунгабоқардан эса 29,0 ц/га уруғ ҳосили олинган ҳамда гектаридан соядан 1325 минг сўм, мойли кунгабоқардан эса 2024 минг сўм соф фойда ва сояда 103,3%, кунгабоқарда 140,0 % рентабелликга эришилган;

Қашқадарё вилоятининг ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқлари шароитида соядан 27,2 ц/га дон, кунгабоқардан эса 29,8 ц/га уруғ ҳосили олинган ҳамда гектаридан соядан 1511 минг сўм, мойли кунгабоқардан эса 1558 минг сўм соф фойда олинган, рентабеллик сояда 86,6 %, кунгабоқарда 76,8 фоизни ташкил қилган.



**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда олиб борилган тажрибаларда тасдиқланган услублардан фойдаланилганлиги, олинган натижаларга вариацион-статистик ишлов берилганлиги, тадқиқотда олинган натижаларнинг асосланганлиги ҳамда ишлаб чиқариш синовидан ўтказилганлиги ва жорий этилганлиги, тайёрланган ҳисоботлар ПСУЕАИТИ ва ТошДАУ Илмий кенгашларида муҳокама қилиниб, тадқиқот натижалари Республика ва Халқаро илмий анжуманларда муҳокама қилинганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз ва Қашқадарё вилоятининг ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқлари шароитида такрорий экин сифатида етиштирилган соя ва кунгабоқар навларини илдиз тарқалган фаол қатламида суғоришдан олдинги ЧДНСга нисбатан тупроқ намлиги, суғориш сонлари, муддатлари, ҳар галги суғориш меъёрлари ва мавсумий суғориш меъёрлари бўйича илмий маълумотлар тўпланганлиги ҳамда дон ва уруғ ҳосили олиш учун сарфланган сув миқдори, ўсимликларнинг сув истеъмоли илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз ҳамда Қашқадарё вилоятининг ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқлари шароитидаги фермер хўжаликларида такрорий экин сифатида экилган соя ва кунгабоқар навларининг турли суғориш тартибларидаги ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва юқори мойдорлигини оширишни таъминловчи соянинг “Арлета” кунгабоқарнинг “Наврўз” навларининг мақбул суғориш тартибларини, муддатларини аниқлаш, фермер хўжаликларида жорий этилиши ҳисобига соя ва кунгабоқардан сифатли ҳосил етиштирилиши, юқори иқтисодий самарадорликка эришилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Типик бўз ва ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқлар шароитида такрорий экин сифатида етиштириладиган соя ва кунгабоқар навларининг суғориш тартиблари бўйича ўтказилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

такрорий экин сифатида экилган соя ва кунгабоқар навларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш агротехнологиялари бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари асосида “Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида такрорий соя навларининг суғориш тартиби”, “Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида такрорий экин мойли кунгабоқар навларининг суғориш тартиби” ҳамда “Қашқадарё вилоятининг ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқлари шароитида такрорий экилган соя ва кунгабоқар навларининг суғориш тартиби” мавзуларида тавсияномалар ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 3 декабрдаги 02/027-4156-сон маълумотномаси). Ушбу тавсияномалар қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият олиб бораётган фермер хўжаликлари, агрокластерлар ва томорқа ер эгалари учун такрорий экин сифатида экилган соянинг “Арлета” ва кунгабоқарнинг эса “Наврўз” навларини етиштиришда қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

сояннинг “Арлета”, кунгабоқарнинг “Наврўз” навларини июл ойининг биринчи ўн кунлигидан кечиктирмасдан экиш, тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-65-60% тартибда ўсув даври давомида 4 марта (уруғ суви билан), мавсум давомида 2435 м<sup>3</sup>/га меъёрда суғориш агротехнологиялари Тошкент вилояти Қибрай туманида 4,8 гектар, Ўрта Чирчиқ туманида 18 гектар, Юқори Чирчиқ туманида 8,2 гектар, Оҳангарон туманида 11 гектар, Оққўрғон туманида 12 га, жами 54 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 3 декабрдаги 02/027-4156-сон маълумотномаси). Натижада ушбу навлардан андоза навларга нисбатан бир марта суғориш сони кам бўлиши ҳисобига суғориш сувлари тежалишига эришилган, соядан 24,4 ц/га, кунгабоқардан эса 27,1 ц/га дон ва уруғ ҳосили олинган, соядан 1325 минг сўм, мойли кунгабоқардан эса 2024 минг сўм соф фойда олинган, рентабеллик даражаси 103 ва 140 фоизни ташкил этган;

такрорий муддатларда сояннинг “Арлета”, кунгабоқарнинг “Наврўз” навини июль ойининг биринчи ўн кунлигидан кечиктирмасдан экиш, тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-65-60% тартибда, мавсум давомида 3 марта 2251 м<sup>3</sup>/га меъёрда суғориш технологиялари Қашқадарё вилояти Миришкор туманида 8 гектар майдонга жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 3 декабрдаги 02/027-4156-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида ушбу навлардан андоза навга нисбатан бир марта суғориш сони кам бўлиши ҳисобига суғориш сувлари тежалишига эришилган ва сояда 23,1 ц/га, кунгабоқарда эса 26,4 ц/га дон ва уруғ ҳосили олинган ҳамда гектаридан соядан 1151 минг сўм, мойли кунгабоқардан эса 1558 минг сўм соф фойда олинган, сояда 86,6 фоиз, кунгабоқарда 76,8 фоиз рентабелликка эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Дала, ишлаб чиқариш тажрибалари ҳар йили Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази ва ПСУЕАИТИнинг апробация комиссияси томонидан кўриқдан ўтказилган, тадқиқотлар натижалари ҳар йили институтнинг Илмий кенгашларида муҳокама қилинган ва 3 та республика ва 2 халқаро миқёсдаги ўтказилган жами 5 та илмий-амалий конференцияларда маъруза қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 8 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этилиши тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан 2 таси республика, 1 та хорижий журналларда, шунингдек, 3 та тавсиянома нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республика фан ва технологиялари ривожланиши

устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, апробацияда ижобий баҳолангани, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши тартиби бўйича атрофлича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Соя ва кунгабоқар навларини суғориш тартиблари бўйича маҳаллий ва хорижий олимларнинг илмий тадқиқот ишлари таҳлили”** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан ўтказилган тадқиқотлардан олинган натижалар, хулоса ва фикрлар батафсил келтирилган, соя ва кунгабоқар навларини суғориш тўғрисидаги мавзулар бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар чуқур таҳлил қилинган. Илмий адабиётларни таҳлил қилишда соя ва кунгабоқарнинг суғориш тартиблари, етиштириш агротехнологиялари, турли тупроқ-иқлим шароитида етиштирилиб олинган ҳосилдорлиги бўйича изоҳ бериб ўтилган.

Диссертациянинг **“Тажриба ўтказилган ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитлари ва тадқиқот услублари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар ўтказилган жойнинг тупроқ-иқлим шароитлари, тадқиқот ўтказиш услублари, тажриба тизими, бажарилган агротехник тадбирлар баён этилган. Бунда, тажриба ўтказилган суғориладиган типик бўз тўпроқларнинг ер ости сувлари сатҳи 18–20 метр атрофида эканлиги баён қилинган, Қашқадарё вилоятининг ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқлари шароитида сизот сувлари сатҳи 2,0–2,5 метр чуқурликда жойлашган ўрта кумоқ, эскидан суғорилиб деҳқончилик қилинаётган тупроқлари шароитида тадқиқот олиб борилган дала тупроғининг дастлабки агрокимёвий маълумотлари, яъни умумий гумус, нитратли азот ва ҳаракатчан фосфор билан кам даражада, алмашинувчи калий билан эса ўрта даражада таъминланганлиги келтириб ўтилган. Шунингдек, 2018–2020 йилларнинг об-ҳаво маълумотлари бўйича ҳаво ҳарорати, ёғингарчилик миқдори, ҳавонинг нисбий намлиги ва амал давридаги фойдали ҳароратнинг йиғиндиси ҳақида маълумотлар келтирилган. Шу билан бирга тадқиқот натижаларининг математик таҳлил қилиш усулларига қисқача тавсиф келтирилган.

Диссертациянинг **“Тажриба даласи тупроғининг агрофизик ва агрокимёвий хоссаларининг ўзгариши”** деб номланган учинчи бобида Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқларида дастлабки даврда умумий фон сифатида олинган намуналарда гумус миқдори тупроқнинг 0–30 см хайдов қатламда 0,825 % ни, хайдов ости 30–50 см қатламда эса кескин камайиб 0,592 % ни ташкил қилган. Шунингдек, асосий озика моддалардан умумий азот ва фосфор элементларининг миқдори ушбу қатламларда мутаносиб равишда 0,074–0,046 % ва 0,090–0,065 % атрофида бўлди. Тупроқ таркибидаги озика моддаларнинг ҳаракатчан шакллари эса  $\text{NO}_3$  11,52–7,09 мг/кг,  $\text{P}_2\text{O}_5$  16,12–10,56 ҳамда  $\text{K}_2\text{O}$  200,8–186,2 мг/кг кўрсаткичларни, тупроқнинг ҳажмий массаси ва ғоваклиги юқорида келтирилган қатламларга мос равишда 1,24; 1,26 г/см<sup>3</sup> ва 54,0; 53,7 фоизни

ташқил этган. Демак, бундай тупроқлар қабул қилинган классификация бўйича нитратли азот билан жуда кам, фосфор билан кам, калий билан ҳайдов усти қатламида ўртача, ҳайдов ости қатламида эса кам таъминланганлиги аниқланди. Кузга бориб, соя ва кунгабоқар ўсимликларининг вегетацияси охирида гумус ва озика моддаларнинг тупроқ таркибидаги миқдори кўп ўзгармаганлиги кузатилган.


Қашқадарё вилояти шароитида соя ва кунгабоқар парваришланаётган далада амал даври бошида 0–30 см.да нитратли азот 10,98 мг/кг, 30–50 см да 5,87 мг/кг, фосфор 9,17; 5,68 мг/кг га тенг бўлган. Тупроқнинг ҳажмий массаси 1,31; 1,34 г/см<sup>3</sup>, ғоваклиги 50,8–48,5 %, Ялли таҳлил натижаларига кўра, тажриба даласининг тупроғи озика моддалар захирасига кўра кам таъминланган тупроқлар сирасига киради.

Мавсум охирида тупроқнинг ҳажмий массаси барча вариантларда ошганлиги кузатилган. Бунда энг кўп зичланиш юқорида келтирилган қатламлар бўйича назорат (биринчи ва олтинчи вариантларда 1,34 г/см<sup>3</sup>), энг пасти эса 1,31 г/см<sup>3</sup> соя ва кунгабоқар тупроқнинг ЧДНС га нисбатан 65–65–60 % суғориш олди тупроқ намлигида ўтказилганда қайд этилган. Шунга мос ҳолда тупроқнинг ғоваклик даражаси эса тескари қонуниятга бўйсиниб, энг паст кўрсаткичи 50,3 фоизни ташқил этиб, хўжалиқда қабул қилинган назорат вариантыда кузатилган, унга нисбатан юқори кўрсаткич эса суғоришлар ЧДНС га нисбатан 65–65–60 % да ёки тупроқ 0-50 см қатламда намланганда кузатилган 54,1 %. Таҳлилларнинг кўрсатишича, соя ва кунгабоқарни нисбатан юқори тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 75–75–65 % тартибда бўйича суғориш натижасида ҳажмий масса 0,02 г/см<sup>3</sup> га ошиши, ғоваклик эса 0,5 % пасайганлиги кузатилган. Тошкент вилояти суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида даланинг чекланган дала нам сифими (ЧДНС) тупроқнинг абсолют қуруқ вазнига нисбатан 0-50 см ли қатламда 21,6 фоизни, 0–70 см да 21,8 фоизни, 0–100 смда эса 22,8 фоизни ташқил этган. Амал даври бошида суғориладиган типик бўз тупроқларнинг сув ўтказувчанлиги 6 соат давомида гектарига 875 м<sup>3</sup>/гани, сув ўтказиш тезлиги 0,24 мм/мин.га тенг бўлган.


Қашқадарё вилояти ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқлари шароитида чекланган дала нам сифими (ЧДНС) 0-50 см.ли қатламда 18,3 фоизни, 0–70 см да 19,0 фоизни, 0–100 смда эса 19,8 фоизни ташқил қилган. Ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқлари шароитида сув ўтказувчанлиги ҳажм массасига нисбатан тескари пропорционал бўлиб, тажрибанинг умумий фонда амал даври бошида тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 6–соат давомида гектарига 930 м<sup>3</sup> ни ёки 0,26 мм/мин.ни ташқил қилган.

Қашқадарё вилоятининг ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқлари тажриба майдони ўсув даври бошида кучсиз даражада шўрланган бўлиб, 0–30 см да қуруқ қолдиқ 0,202 фоизни, хлор иони 0,017 фоизни, сульфат 0,067 фоизни, 0–50 см да юқоридаги тартибга мувофиқ ҳолда 0,189; 0,019; 0,057 фоизни, 0–70 см да тегишлича 0,190; 0,018; 0,058 фоизни, 0-100 см да эса 0,222; 0,023; 0,071 фоизни ташқил қилган. Ўсув даври

охирода эса тузларнинг нисбатан кўпроқ камайиши тажрибанинг 5, 9 вариантларида қайд қилинган (1-расм).




1-расм. Такрорий экинлар парваришида тупроқдаги тузлар миқдорининг ўзгариши, % (0–100 см қатламда 2018-2020 йй.).



2-расм. Сизот сувлар сатҳининг ўзгариши, см (2018-2020 йй).

**Сизот сувлар сатҳи ва минерализацияси.** Қашқадарё вилояти шароитида тажриба майдонида йилнинг келишига қараб, сизот сувлари соя ва кунгабоқарнинг мавсуми давомида тупроқ юзасидан 189–205 см чуқурликда ўзгариб турди. Уларнинг умумий минераллашганлик даражаси (қуруқ қолдиқ бўйича) 2,81 ва 2,97 г/л оралиғидаги кўрсаткичларни ташкил этган (2 ва 3-расм).



3-расм. Сизот сувлар минерализация даражасини ўзгариши, г/л. (2018-2020 йй).

Диссертациянинг “Соя ва кунгабоқар навларининг мақбул суғориш тартиблари ва сув истеъмоли кўрсаткичлари” деб номланган тўртинчи бобида дала тажрибасида такрорий экилган соя ва кунгабоқарнинг суғориш муддати ва меъёри тупроқ намлиги бўйича белгиланган. Амал даврида соя ва кунгабоқар ўсимликларини тупроқни суғориш олди намлиги ЧДНС га нисбатан 65–65–60 % ва 75–75–65 % суғориш олди тупроқ намлигида тупроқнинг ҳисобий қатлами эса 0–50 ва 0–70 см қатламларини намлаш орқали амалга оширилган.

Суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида ўртача уч йиллик маълумот бўйича назорат вариантыда ЧДНСга нисбатан 70–70–60 % суғориш олди тупроқ намлиги бўйича 1–2–1 тизимда сояда 2742 м<sup>3</sup>/га, кунгабоқарда 2804 м<sup>3</sup>/га, 65-65-60 % суғориш олди тупроқ намлигида, тупроқнинг 0-50см ҳисобий қатламида 1-1-1 тизимда сояда 1685 м<sup>3</sup>/га, кунгабоқарда эса 1682 м<sup>3</sup>/га, тупроқ намлигига мос равишда, тупроқнинг ҳисобий қатлами 0-70 см.да соя ўсимлигида 2328 м<sup>3</sup>/га, кунгабоқарда 2331 м<sup>3</sup>/га суғориш сувлари сарфланди. Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 75-75-65 % тупроқнинг ҳисобий қатлами 0-50 см қатламида 1-2-1 тизимда, соя 1682 м<sup>3</sup>/га, кунгабоқар ўсимлиги 2331 м<sup>3</sup>/га меъёрда суғорилди. Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га мос равишда суғоришда тупроқнинг ҳисобий қатлами 0-70см бўлганда 1-2-1 тизимда соя ва кунгабоқар ўсимликлари 1738-2440 м<sup>3</sup>/га меъёрларда мавсумий давомида суғоришни талаб қилди (1-жадвал).

1-жадвал

**Тажриба даласи тупроғининг сув истеъмоли (суғориладиган типик бўз тупроқларида ўртача 2018–2020 йй.)**

Кўрсаткичлар	Тажриба вариантлари									
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Амал даври бошида сув захираси,(0–200 см)	1560	1545	1574	1549	1599	1550	1597	1577	1588	1578
Амал даври охирида сув захираси, (0–200 см)	1240	1240	1240	1211	1220	1240	1199	1240	1240	1240
Тупроқдаги нам захирасидан фойдаланиш, м <sup>3</sup> /га	320	305	334	338	379	310	398	337	348	338
Тупроқдаги нам захирасидан фойдаланиш, %	8,9	11,1	11,8	10,3	10,3	8,6	14,0	11,9	10,6	9,3
Мавсумий сув миқдори, м <sup>3</sup> /га	2742	1685	1751	2328	2482	2804	1682	1738	2331	2440
Мавсумий сув миқдори, %	75,9	61,5	61,9	71,0	67,8	76,2	59,5	61,9	70,8	68,5
Жами фойдаланилган сув, м <sup>3</sup> /га	3612,1	2739,1	2825,1	3275,1	3664,1	3602,1	2832,1	2828,1	3285,1	3623,1
Ҳосилдорлиги, ц/га	22,8	26,2	23,9	24,4	22,9	24,1	29,0	26,4	26,5	25,0
1 ц ҳосилга сарфланган мавсумий сув миқдори, м <sup>3</sup>	120,4	64,3	73,3	95,4	108,5	113,9	58,1	66,3	87,8	99,3
1 м <sup>3</sup> суғориш сувини ҳосил билан қопланиши, кг	0,86	1,55	1,36	1,05	0,92	0,87	1,7	1,50	1,13	1,0

Суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида назорат вариантыда бир центнер ҳосил етиштириш учун сояда 120,4 м<sup>3</sup>, кунгабоқарда 113,9 м<sup>3</sup>, тажрибанинг ЧДНСга нисбатан 65–65–60 % суғориш олди тупроқ намлиги 0-50 см қатламда бу кўрсаткич 64,3 м<sup>3</sup> - 58,1 м<sup>3</sup> бўлди. Суғориш олди тупроқ намлиги 75-75-65 % , тупроқнинг ҳисобий қатламида 0-50 см 73,3-66,3 м<sup>3</sup>,

0-70 см қатламида эса ўсимликларга мос равишда 108,5-99,3 м<sup>3</sup> сув сарфлангани маълум бўлди (1-жадвал).

Қашқадарё вилоятининг ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқлари шароитида олиб борилган тадқиқотларда соя ва кунгабоқар навларини суғоришда уч йилда ўртача назорат варианты 70-70-60 % суғориш олди тупроқ намлиги бўйича соя ўсимлиги 1-1-1 тизимда жами 2909 м<sup>3</sup>/га, кунгабоқарда 2601 м<sup>3</sup>/га меъёрда сув сарф қилинди. Тажрибанинг 65-65-60 % суғориш олди тупроқ намлиги бўйича тупроқнинг ҳисобий қатлами 0-50 см 1-1-1 тизим бўйича сояда 1910 м<sup>3</sup>/га, кунгабоқарда 1441 м<sup>3</sup>/га, суғориш олди тупроқ намлигига мос равишда 0-70 см қатламда 2251-2231 м<sup>3</sup>/га сув сарфланди. Суғориш олди тупроқ намлиги 75-75-65 % , 0-50 см тупроқнинг ҳисобий қатлами бўйича соя 2266 м<sup>3</sup>/га, кунгабоқар эса 1533 м<sup>3</sup>/га меъёрда мавсум давомида суғориш ишлари амалга оширилди (2-жадвал).

2-жадвал

**Тажриба даласи тупроғининг сув истеъмоли (Ўтлоқлашиб бораётган тақирсимон тупроқларида ўртача 2018–2020 йй.)**


Кўрсаткичлар	Тажриба вариантлари									
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Амал даври бошида сув захираси, (0–200 см)	2154	2154	2154	2154	2154	2151	2154	2154	2154	2154
Амал даври охирида сув захираси, (0–200 см)	1515	1696	1793	1974	2029	1515	1696	1793	1974	2029
Тупроқдаги нам захирасидан фойдаланиш, м <sup>3</sup> /га	639	458	361	180	125	639	458	361	180	125
Тупроқдаги нам захирасидан фойдаланиш, %	18,4	17,7	14,1	6,6	4,5	18,4	17,7	14,1	6,6	4,5
Мавсумий сув миқдори, м <sup>3</sup> /га	2909	1910	2266	2251	2410	2601	1441	1533	2231	2102
Мавсумий сув миқдори, %	81,6	82,3	85,9	93,4	95,5	81,6	82,3	85,9	93,4	95,5
Жами фойдаланилган сув, м <sup>3</sup> /га	3477	2589	2568	2709	2799	3477	2589	2568	2709	2799
Ҳосилдорлиги, ц/га	21,7	23,1	21,5	27,2	24,2	21,7	26,4	23,0	29,8	22,9
1 ц ҳосилга сарфланган умумий сув миқдори, м <sup>3</sup>	134,0	82,7	105,3	82,8	99,6	130	72,3	98,5	75,5	108,5
1 м <sup>3</sup> суғориш сувини ҳосил билан қопланиши, кг	0,57	0,87	1,02	0,75	0,77	0,60	1,03	1,23	0,84	0,79

Суғориш олди тупроқ намлигига мос равишда, тупроқнинг ҳисобий қатлами 0-70 см.да эса соя ва кунгабоқарга 2410-2102 м<sup>3</sup>/га суғориш сувлари сарф қилинган. Бир центнер ҳосилга сарф қилинган сувнинг миқдори назорат вариантыда 134,0 м<sup>3</sup>, тажрибанинг суғориш олди тупроқ намлиги 65-65-60 % тупроқнинг ҳисобий қатлами 0-50 см.да соя 82,7, кунгабоқар эса 72,3 м<sup>3</sup>, тупроқ намлигига мос лекин, ҳисобий қатлам 0-70 см бўйича 82,8-75,5 м<sup>3</sup>, сув сарф қилинган. Тажрибанинг 75-75-65 % тупроқ намлиги бўйича 0-50 см ҳисобий қатламда соя 105,3 м<sup>3</sup>, кунгабоқар 98,5 м<sup>3</sup>, тупроқ намлигига мос равишда 0-70 см ҳисобий қатламда бу кўрсаткичлар 99,6-108,5 м<sup>3</sup> бўлганлиги аниқланди (2-жадвал).

Диссертациянинг “Соя ва кунгабоқар навлари ўсиши-ривожланиши, ҳосилдорлиги, дон ва уруғ сифат кўрсаткичлари ҳамда иктисодий самарадорлик” деб номланган бешинчи бобида соя навларининг вегетация даври ўртача 84-96 кун, кунгабоқар навлари бўйича 85-100 кунни ташкил қилди. Соя навлари бўйича кўчат қалинлиги 330-340 минг/га, кунгабоқар


навлари бўйича 50-55 минг/туп бўлган. Соянинг “Орзу” навида Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида ўртача уч йилда олинган дон ҳосилдорлиги назорат вариантыда 22,8 ц/га тенг бўлган. Тажрибанинг суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65–65–60 % бўлиб, 0–50 см ҳисобий қатлам бўйича суғоришлар ўтказилганда соянинг ушбу навининг дон ҳосили 26,2 ц/га бўлиб, бу назоратга нисбатан ўртача 3,4 ц/га юқори бўлганлиги аниқланган.

Ишлаб чиқариш (назорат) вариантыда кунгабоқарнинг “Жахонгир” навидан олинган уч йиллик ўртача уруғ ҳосили 24,1 ц/гани, тажрибанинг 2-вариантида “Наврўз” навида уруғ ҳосили 29 ц/гани ташкил этган, ёки назоратга нисбатан ўртача 4,9 ц/га қўшимча ҳосил олинган (4-расм).



2018 йил ЭКМТ<sub>05</sub> = 3,67 ц/га, 2019 йил ЭКМТ<sub>05</sub> = 2,50 ц/га, 2020 йил ЭКМТ<sub>05</sub> = 2,88 ц/га,

4-расм. Соя ва кунгабоқарнинг ҳосилдорлиги, ўртача уч йиллик, ц/га. (Тошкент вилояти)



2018 йил ЭКМТ<sub>05</sub> = 2,66 ц/га, 2019 йил ЭКМТ<sub>05</sub> = 2,11 ц/га, 2020 йил НСР ЭКМТ<sub>05</sub> = 2,70 ц/га,

